# ИНСОН ва ҚОНУН

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

| e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz | 2016 йил 27 декабрь • сешанба № 52 (1048)

# Янги йилингиз муборак бўлсин!



Қиш завқи

ЎзА олган сурат

## ШУ сонга хабар!

# АЙЁМ АРАФАСИДА



**НОТАРИАТ ВА ФҲДЁ органлари кундалик ҳуқуқий масалалар бўйича энг кўп мурожаат қилинадиган идоралар ҳисобланади. Адлия вазирлиги томонидан ушбу соҳаларни тартибга солиш ва фаолият самарадорлигини ошириб боришга қаратилган бир неча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, ФҲДЁ органлари ва давлат нотариал идораларининг моддий-техника базаларини мустаҳкамлаш бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.**

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 мартдаги фармойишига асосан ҳар йили ФҲДЁ органларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Давлат нотариал идораларининг моддий-техника базасига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Адлия вазирлигининг 2010-2016 йилларда "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимига кирувчи давлат нотариал идоралари ва ФҲДЁ органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича изчил давом эттириб келинаётган дастур"ларига мувофиқ 2016 йилда Хоразм вилоят адлия бошқармаси тизимидаги ФҲДЁ органлари ва давлат нотариал идоралари учун Боғот, Гурлан, Қўшкўпир, Урганч, Шовот ва Ҳазорасп туманларида янги бинолар қурилиб битказилди. Ушбу бинолар ФҲДЁ органлари томонидан ундирилаётган герб йиғими жамланадиган махсус ҳисоб рақами ҳисобидан ҳамда давлат нотариал идораларини сақлаш учун жамланадиган 15 фоизлик тушумлар махсус ҳисоб рақами ҳисобидан молиялаштирилган.

Мамлакатимизнинг барча вилоятларидаги каби Хоразмда ҳам амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган. Минтақада фуқароларга малакали юридик хизмат кўрсатиш сифати ҳам юксалиб бораяпти. Фойдаланишга топширилаётган биноларнинг айнан 6 таси Хоразм воҳасида қад ростлаётганлиги воҳа аҳли учун ўзгача фахр-ифтихор бўлмоқда, десак, муболаға бўлмайди.

Жумладан, вилоятнинг **Қўшкўпир, Боғот, Шовот, Гурлан, Урганч** туманларидаги ФҲДЁ бўлимларининг, шунингдек, Хазорасп туман давлат нотариал идорасининг янгидан бунёд этилган бинолари ушбу туманлар аҳолиси, айниқса, оила қураётган ёшлар учун ажойиб совға бўлди. Мазкур иншоот барча замонавий технологиялар, тегишли анжомлар билан жиҳозланган. Ушбу кошонага оила қуриш учун илк қадамларини қўйган йигит-қизларнинг никоҳларини тантанали қайд этиш маросимларини ўтказиш учун ҳавас қилса арзигулик шароитлар яратилган.

ФҲДЁ органлари биноларида "Ёш оила қурувчилар мактаби" ўқув машғулотларини ўтказиш учун махсус хоналар, никоҳларни тантанали равишда қайд этиш заллари, келин ва куёвлар учун тайёргарлик кўришга мўлжалланган алоҳида хоналар ҳам мавжуд.

Янги иншоотларнинг очилиш тантаналари барча иштирокчиларда юртимизда инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган эзгу амалларнинг узвий давоми сифатида чексиз шукроналик ва миннатдорлик ҳисларини уйғотди.

Шу куни ҳар учала ФҲДЁ бўлимларида ёшларнинг никоҳлари тантанали қайд этилиб, уларга никоҳ гувоҳномалари топширилди.

**Ўз мухбиримиз**

2017 ЙИЛ — "ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ"

# ИНСОН ВА УНИНГ ҚАДР-ҚИММАТИ УЛУҒ ТУШУНЧА...

***ЎЗБЕКИСТОНДАГИ демократик ислоҳотларнинг туб моҳиятини, "халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш" ғояси ташкил этади. Кўп миллатли Ўзбекистон халқининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга ҳар томонлама муносиб, фаровон яшаши учун қулай шароит яратиш масаласини энг асосий мақсад ва вазифа деб билиш, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва ҳаётга самарали жорий этилган "Ўзбек модели"нинг концепциясини белгилаб берганлиги билан ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.***

***2016 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида "Инсон ва унинг қадр-қиммати деган улуғ тушунча" барча ислоҳотларнинг марказий ўрнига қўйилиши шартлиги ва бу борадаги ишларимизни янада кучайтиришимиз лозимлиги, бунинг учун одамлар билан доимий мулоқот қилиб туриш кераклиги ҳақида алоҳида тўхталиб қуйидаги фикрларни билдирди. "Инсон манфаатларини таъминлаш учун эса, аввало, одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак".***

***Давлатимиз раҳбари томонидан Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида Олий Мажлис палаталари олдига ҳам янги-янги вазифалар қўйилди.***

***Газетамизнинг бугунги сонида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларининг бу борадаги фикр-мулоҳазалари билан яқиндан танишасиз.***



**Содиқ САФОЕВ,**
**Олий Мажлис Сенати раиси биринчи ўринбосари:**

— Аваламбор алоҳида таъкидлашни истардимки, **биринчидан,** давлат раҳбари маърузасининг асосий ғояси — "халққа яқинроқ бўлиш, унинг эҳтиёжларини билиш, унга хизмат қилиш" — менда жуда ҳам кучли таассурот уйғотди.

Ўз моҳиятига кўра ушбу қараш барча даражадаги давлат органлари фаолиятининг янгиланган мафкурасини белгилаб беради. Унга мувофиқ ҳокимиятнинг барча марказий ва маҳаллий тармоқлари ўз ишининг мазмуни ва хусусиятини тубдан қайта кўриб чиқишлари, ўз ҳаракатларининг якуний натижасини, яъни одамлар манфаатларига хизмат қилишни янгидан белгилаб олишлари, халқнинг фаровонлигида акс этувчи реал натижаларга эришишлари шарт.

**Иккинчидан,** Президент маърузасида мисли кўрилмаган шаклда мамлакат парламенти фаолиятига нисбатан талаблар баён этилди.

Бир томондан, Олий Мажлиснинг икки палатаси фаолияти қонун ижодкорлиги жараёнида ва, энг асосийси, қонунларнинг ижро этилиши ва аҳолига етказилишида йўл қўйилган юзакилик учун мутлақо асосли ва ўткир танқид остига олинди. Маърузани эшита туриб, барча депутатлар ва сенаторларга ўз-ўзини тинчлантиришни, эскича сингиб кетган андазалар бўйича ишлашни, одамлар билан жонли алоқаларнинг йўқлигини, жойларда ишларнинг аҳволини билмасликни бартараф этиш лозимлигини англамай иложи йўқ эди.

Бошқа томондан, Президент маърузасида илгари сурилган қоидалар ва хулосалар мамлакат ва унинг минтақалари ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ривожланишида сифат жиҳатидан янги роль ўйнаши кутилаётган парламент фаолиятидан катта умидларни намоён қилади. Бу, шубҳасиз, ишончнинг ифодаси бўлиб, депутатлар ва сенаторлар зиммасига яхшироқ ишлашни ва замонавий талаблар даражасига кўтарилишни юклайди.

Бугун парламентнинг ҳар бир аъзоси, Олий Мажлис палаталарининг барча қўмиталари ўзи учун қилиши лозим бўлган асосий хулоса бу ўз иш режаларини, ўз вазифаларини ва фаолияти натижалари ҳақидаги ўз тушунчаларини тубдан қайта кўриб чиқишлари лозимлигидир.

**Учинчидан,** маърузанинг Сенат Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси ваколатларини кенгайтириш, Қўмитанинг Ташқи ишлар вазирлиги, мамлакатимизнинг чет давлатлардаги элчихоналари, Ташқи иқтисодий алоқалар инвестициялар ва савдо вазирлигининг мамлакат иқтисодиётининг тармоқларига ва минтақаларига хорижий инвестицияларни ва замонавий технологияларни жалб қилиш бўйича фаолиятида аниқ натижаларга эришиш борасида роли ҳамда жавобгарлигини ошириш лозимлиги ҳақидаги ғоялар шакллантирилган қисми, албатта, алоҳида аҳамият касб этади.

Давлат раҳбари томонидан бундай масаланинг қўйилиши, шубҳасиз, Сенатга нисбатан улкан ишонч сифатида қабул қилинади. Шу билан бирга, Сенатнинг барча аъзолари учун бу катта шахсий жавобгарлик ҳам эканлигини тўлиқ англаш шарт деб биламан.

2 ▶

# ИНСОН ВА УНИНГ ҚАДР-ҚИММАТИ УЛУҒ ТУШУНЧА...

(Давоми. Боши биринчи бетда)

**Сайёра БАРАТОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси:**



— 2016 йил 7 декабрда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида яна бир муҳим воқеа, Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Шу куни кенг жамоатчилик вакиллари олдида маъруза қилган Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев мустақиллик йилларида халқимиз эришган барча ютуқ ва марралар, иқтисодиётимизнинг улкан суръатлар билан ўсиши, Конституциямизнинг ҳаётбахш қудратини, унда мужассам бўлган қоида ва нормаларнинг нақадар чуқур ўйлангани, ҳар томонлама мустаҳкам асосга эга экани ҳақида тўлқинланиб гапирди.

Маърузада алоҳида таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 2016 йил мамлакатимизда "Соғлом она ва бола йили", деб эълон қилинган эди. Бу борада ишлаб чиқилган Давлат дастури асосида она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмонан соғлом, юксак маънавиятли авлодни тарбиялашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Соғлом болани вояга етказишнинг муҳим шарти бўлган репродуктив саломатликни яхшилаш, туғма нуқсон ва хасталиклар билан туғилишларнинг олдини олиш, тиббиёт масканларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш учун тизимли ишлар амалга оширилди. Мамлакатимиздаги тиббиёт муассасаларини замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун жорий йилда 80 миллион доллар қийматидаги кредит ва грант маблағлари йўналтирилди.

Алоҳида таъкидлашни истардимки, ушбу маърузада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "шу йўлда фидокорона меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларига, бу олижаноб ишга ҳисса қўшган барча ватандошларимизга чин қалбдан миннатдорчилик билдирамиз", деган эътирофи миллионлаб юртдошларимизнинг самарали меҳнатларига берилган муносиб баҳо бўлди.

Бундай кенг кўламли ишларнинг амалга оширилиб келинаётгани "энг асосий мақсад — инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш"нинг амалда бажарилаётганлигини ифодалайди. Мана шундай олижаноб ишларнинг мантиқий давоми сифатида илгари сурилган яқинлашиб келаётган 2017 йилни юртимизда **"Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили",** деб эълон қилиш таклифини мамлакатимиз фуқаролари кўтаринки кайфият билан қарши олдилар. Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, шу муносабат билан қабул қилинадиган дастурдан ёшларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш масаласи ҳам алоҳида ўрин эгаллаши табиий. Бу борада фарзандларимиз учун зарур шароитлар яратиш, янги-янги таълим-тарбия, маданият, санъат ва спорт масканларини барпо этиш, ёш оилалар учун уй-жойлар қуриш, ёшларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш бўйича бошлаган ишларимиз янги, юксак босқичга кўтарилади.

**Жаҳонгир ШИРИНОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутати:**



— Президентимиз Ш.Мирзиёев давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатлари юзасидан ёндашувни тубдан қайта кўриб чиқиш зарурлигини айтиб ўтиб, ушбу йилда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларни ўз маърузаларида бирма-бир санаб ўтди.

Хусусан, 2017 йилдан бошлаб барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизими жорий этилиши таъкидланди.

Бундан ташқари, маърузада одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очиқ мулоқотда бўлиш, оғирини енгил қилиш мақсадида аҳолига кундалик ва энг зарур бўлган давлат хизматларини "ягона дарча" принципи бўйича бир идора орқали кўрсатиш тизимини такомиллаштириш зарурлиги уқтирилди. Бу эса фуқароларнинг давлат органларига бориб овора ва сарсон бўлишларининг олдини олиши шубҳасиздир. Яъни, фуқаролар ижтимоий ҳаётнинг турли масалалари бўйича фақат битта тегишли тузилмага мурожаат этган ҳолда уларни ҳал этиш имконига эга бўладилар.

Таъкидлаш лозимки, маърузада қонун чиқарувчи орган олдига парламент назоратининг самарали усулларидан фойдаланишга қаратилган жуда муҳим вазифалар қўйилди.

**"Яъни, парламент ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини шакллантириш мақсадида шаҳар ва туманларда ҳақиқий аҳволни ўрганиб, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини халқ депутатлари кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиш тартибини жорий этишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда",** дея таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев.

Бундай тартибни жорий этишнинг амалий механизми сифатида ҳар бир вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлар ҳар ойда 10-12 кун давомида тегишли туманда бўлиб, ўзлари сайланган ҳудуддаги ижроия ҳокимият органи, прокуратура ва ички ишлар бўлимининг фаолиятини ўрганишлари ва таҳлил қилишлари ҳамда тегишли хулоса беришлари тавсия этилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, давлат раҳбари томонидан юқоридаги таклиф ва тавсияларнинг амалга оширилиши кириб келаётган 2017 йил Ўзбекистон сиёсатининг бош мақсадини, яъни, инсон манфаати ҳар нарсадан улуғ, деган эзгу ғояни изчил давом эттириш, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этиш йўлида ниҳоятда муҳим амалий аҳамият касб этади.

**Алишер ҚОДИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг тантанали маросимдаги маърузасида илгари сурилган ғоялардан, янгича қўйилган вазифалардан англашиладики, Ўзбекистон мустақиллик йилларида эришган ютуқлари билан чекланиб қолмасдан, аксинча, бошланган ишларни янада кучли шижоат билан, энг юқори марраларни кўзлаган ҳолда давом эттиради.



Ҳаммамиз яхши биламизки, Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўли — "ўзбек модели"нинг энг муҳим принципларидан бири сифатида жамиятда қонун устуворлигига эришиш масаласи белгиланган. Ривожланишнинг навбатдаги босқичида ушбу принципнинг ҳаётга татбиқ қилинишига алоҳида урғу берилиши эълон қилинди. Жамиятнинг ҳар бир қатламида муносабатларнинг қонун асосида шаклланиши мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг таъминланишига шароит яратади. Бу эса, ўз ўрнида, парламент ва жамоатчилик назорати институтларини янги босқичга кўтариб, ижтимоий адолатнинг кафолати сифатида шаклланишига олиб келади.

Бош қомусимизнинг 2-моддасида "Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар", 7-моддасида эса, "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир" дея белгилаб қўйилган. Ҳокимият халқнинг орзу-умидлари, хоҳиш-истакларини рўёбга чиқариш мақсадида фаолият юритади. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат бошлиғи сифатида давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлаш билан бир қаторда жамиятимизда қонун устуворлигига эришиш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, келажагига ишонч билан қараш ва халқнинг бошпанаси бўлган давлатнинг бақувват ҳамда барқарор бўлишига эришиш йўлида халқнинг вакиллари бўлган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатига таяниши алоҳида таъкидлаб ўтилди. Негаки, қабул қилинаётган қонунларнинг халқчил, тушунарли ва адолатли бўлиши фуқаролар томонидан уларнинг қабул қилинишига, амал қилинишига ва ҳуқуқлари бузилган ҳолларда уларга таянишига олиб келади. Парламент назорати институти ваколатлари доирасида қонунларга амал қилинишини назорат қилиш билан бир қаторда ижро ҳокимиятининг жойларда аҳоли турмуш шароитларини яхшилаш бўйича олиб бораётган фаолиятига баҳо бериш халқнинг сайлаган вакиллари — депутатлар билан ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муҳитини яратади. Айнан шу йўл пировард мақсадимиз — кучли фуқаролик жамиятига олиб борувчи йўл эканлигини таъкидлаш лозим.

Таниқли маърифатпарвар бобомиз Абдурауф Фитрат ўзининг "Оила" номли асарида **"Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик ана шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муаззам бўлади",** деган фикрни билдирган эди. Ўзбекистонимизни катта бир оила деб билиб, тараққиёт йўлидаги масалаларни аҳиллик ва оқиллик билан, маслаҳат ва тажрибага риоя қилган ҳолда ечимларини топиш учун хамжиҳатликда ҳаракат қилишимиз — кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш, эркин ва фаровон, демократик жамият барпо этишдек юксак мақсадларимизга эришишимизда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

**Давра суҳбатини журналист
Арслон ЭШМУРОДОВ
тайёрлади.**

*Таниқли маърифатпарвар бобомиз Абдурауф Фитрат ўзининг "Оила" номли асарида **"Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик ана шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муаззам бўлади"** деган фикрни билдирган эди. Ўзбекистонимизни катта бир оила деб билиб, тарраққиёт йўлидаги масалаларни аҳиллик ва оқиллик билан, маслаҳат ва тажрибага риоя қилган ҳолда ечимларини топиш учун хамжиҳатликда ҳаракат қилишимиз — кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш, эркин ва фаровон, демократик жамият барпо этишдек юксак мақсадларимизга эришишимизда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.*

---

Адлия аралашгач...

## МАСАЛА ЎРГАНИЛДИ

*ва ўз вақтида ечими топилди*

**МАЪЛУМКИ, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳуқуқий база тобора такомиллашиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"-ги Қонуни фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича олиб борилаётган ишларни янада юқори даражага кўтарди. Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан мазкур Қонун ижросини таъминлашга ва фуқароларнинг мурожаатларини ўрганишга жиддий эътибор берилмоқда.**

Жумладан, Янгийўл туман Халқабод ҚФЙда яшовчи Ш.Қорахаджаеванинг 2 ёшгача бола пули асоссиз равишда бекор қилинганидан норози бўлиб адлия бошқармасига юборган мурожаати ўз вақтида ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижаларига кўра, ариза муаллифи 2015 йил октябрда Янгийўл туман "Бобур" маҳалла фуқаролар йиғинига 2 ёшгача бола парвариши нафақасини сўраб ариза билан мурожаат қилган. Ўз навбатида, маҳалла фуқаролар йиғинининг ўрганиш комиссияси томонидан оиланинг моддий аҳволи ўрганиб чиқилиб, нафақа тайинланган. 2016 йилда Янгийўл туман ҳокимлиги молия бўлими "Муҳтож оилалар ва фуқароларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдамларни тайинлаш ва тўлаш мониторингини амалга ошириш шўъбаси" томонидан ноқонуний равишда нафақа пули тўхтатилиб қўйилган. Адлия бошқармасининг вилоят ҳокимлиги молия бошқармасига киритган тақдимномасига асосан жорий йилнинг декабридан бошлаб фуқаро Ш.Қорахаджаева яна нафақа пули ола бошлади.

Шунингдек, Янгийўл туман молия бўлими ходими Э.Қобилбоев нафақа пулини асоссиз равишда бекор қилгани учун 2016 йил 1 декабрдан эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш адлия тизими ходимларининг энг асосий вазифаларидан биридир. Кириб келаётган "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да ҳам бу масала асосий эътиборда бўлади.

**Рашид МИРЗАҲМЕДОВ,
Тошкент вилояти адлия бошқармаси масъул ходими**

---

## МУРОЖААТЛАР "ИНСОН ВА ҚОНУН" ЭЪТИБОРИДА

### Нафақа пули тайинланди

ФУҚАРО Д.Омонованинг Чироқчи туманидаги "Уймовут" маҳалла фуқаролар йиғини томонидан ижтимоий нафақа пуллари тўланмаётганидан норози бўлиб, "Инсон ва қонун" газетасига ёзган аризаси ўрганилди.

Муаллиф Д.Омонованинг ижтимоий нафақа пули тайинлаш ҳақида ёзган аризаси Чироқчи туман "Уймовут" маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги ижтимоий нафақа тайинлаш комиссиясида кўриб чиқилиб, комиссиянинг 27.11.2015 йилдаги 11-сон қарори билан 2015 йил декабрь ойидан 2 ёшгача нафақа пули тайинланган.

**С. ФАЙЗИЕВ,
вилоят прокурори ўринбосари,
адлия кичик маслаҳатчиси**

### Қарздорлик ундирилди

ФУҚАРОЛИК ишлари бўйича Марғилон туманлараро судининг қарздор Мўминов Азим Рахимовичдан ундирувчи Хафизова Шохида Хамидуллаевна фойдасига бир нафар фарзандининг моддий таъминоти учун 1/4 қисм миқдорида алимент ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати суд ижрочиларининг Марғилон шаҳар бўлимига келиб тушган.

Суд ижрочисининг қарорига кўра, қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан четга чиқиш ҳуқуқи вақтинча чекланган.

Ижро ҳаракалари давомида А.Мўминовдан 2015 йил 1 февралга қадар алимент пуллари тўлиқ ундириб келинган.

Қарздорнинг алиментдан бўлган қарздорлиги ҳисоб-китоб қилинганда 2015 йил 1 февралдан 2016 йил 1 августга қадар 4 446 000 сўмни ташкил қилган.

Ижро ҳаракатлари давомида А.Мўминовдан юқоридаги қарздорлик тўлиқ ундирилди.

**Б. МЕНГЛИЕВ,
Суд департаментининг Фарғона
вилоят ҳудудий бошқармаси
бошлиғи ўринбосари**

---

## САВОЛ СИЗДАН ? ЖАВОБ БИЗДАН !

**— ДЕКРЕТГА чиқдим. Ўрнимда бошқа ишчи ишлаётган экан. Ўз жойимни талаб қилишга ҳаққим борми?**

**Г.АҲМАДОВА,
Тошкент шаҳри**

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 233 ва 234-моддаларига кўра, ҳомиладорлик ва туғиш таътили ва болани парваришлаш таътиллари даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади.

**— МЕН фермер хўжалигида акам ва онам ўрнига ишлашим мумкинми?**

**И.ИБОДУЛЛАЕВ,
Самарқанд шаҳри**

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига кўра, фуқаро иш берувчи билан меҳнат шартномасига асосан меҳнат муносабатларига киришиши мумкин. Ходим ва иш берувчи меҳнат шартномасининг тарафлари бўлиб ҳисобланадилар. Сиз ўзингиз мустақил равишда фермер хўжалиги раҳбари билан тузилган шартномага асосан меҳнат муносабатларига киришишингиз мумкин. Агарда сиз меҳнат шартномаси тарафи, яъни ходим бўлмасангиз меҳнат муносабатларига кириша олмайсиз.

**— ЛИЦЕЙНИ тугатдим. Корхонага ишга кирсам бўладими?**

**Р. БОТИРОВА,
Тошкент вилояти**

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Давлат корхоналарига Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 июндаги 164-сон қарори билан тасдиқланган Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари Классификаторига мувофиқ, мутахассислик бўйича тегишли лавозимларга қабул қилинади.

**Саволларга Адлия вазирлиги масъул ходими Алишер ЭРАНОВ жавоб берди.**

Акс-садо

# ҲА, КИТОБНИНГ УВОЛИ БОР!



ЁШИМ саксонда. Қарийб эллик йил маориф соҳасида ишладим. Шу йили "Инсон ва қонун" газетасининг 15 ноябрь сонида **"Китобнинг ҳам уволи бор"** номли мақолани қизиқиб ўқидим.

Ўтган асрнинг эллигинчи йиллари эди. Қишлоғимизда бир ўқитувчи яшарди. У киши бизни китоб ўқишга ундарди. Уйидан бадиий китоблар олиб чиқиб берарди. Ён-атрофимиздаги бир ғаламис кимса устозимизни аҳолининг маънавий қарашини бузаяпти, деб ўша даврнинг ҳуқуқ-тартибот идораларига ёлғон маълумот берган экан. Чўлпон, Усмон Носир, Қодирий каби адиб ва шоирларимизнинг китобларини у кишининг уйидан олиб кетишган эди. Айримларини ёқиб юборишди.

Раҳматли ўқитувчи кўзларига ёш олиб, бу китобларда жамиятга қарши бирор-бир ножўя гап йўқ, аксинча, Фузулий, Рудакий, Румий каби буюк зотларнинг асарлари булар, ёқманглар китобнинг уволи бор, деб зорланишларини ҳеч ким инобатга олмади. Ўшанда ўқитувчимизга фитна уюштирган, чақимчилик қилган, муқаддас, тенгги йўқ шоҳ асарларни ёқишда иштирок этган ўша кимса кўп вақт ўтмай кўр бўлиб қолди. Одамларнинг айтиши бўйича уни китобнинг уволи урган экан.

Яна бир гап. Мен кўп йиллар ўқитувчилик қилганман. Мактабда қатор йиллар директор бўлганман. Ўз меҳнат фаолиятимда кўрганман: китобни севмайдиган, уни ўқимайдиган, қадрига етмайдиган ўқувчиларимизни ҳам китобнинг уволи уради дейиш мумкин. Қўлига бир умр китоб ушламаган, бир варақ ҳам бирор-бир китоб ўқимаган одамдан нима кутиш мумкин?

Китоб инсон қалбида нур пайдо қилади. Қалби ёруғ инсон ҳеч қачон йўлда ҳам, жамиятда ҳам адашмайди.

**Чори бобо ҚУНҒИРОВ,**
**Каттақўрғон тумани,**
**Пайшанба қўрғончасида**
**яшовчи меҳнат фахрийси**


Ҳурматли юртдошлар!

ASAKA BANK

"Асака" банк

*Сизларни яқинлашиб келаётган Янги йил байрами билан самимий муборакбод этади!*
*Янги йил юртимизга тинчлик, осойишталик ва фаровонлик,*
*ҳар бир оилага файз ва қут-барака олиб келсин!*
*Янги йил барчамизга қутлуғ ва хосиятли келсин!*
*Жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин ва салоҳиятга эга бўлган*
*Ватанимиз янада гуллаб-яшнайверсин!*
*Байрам муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли*
*янги омонат турини таклиф этамиз:*

"ЯНГИ ЙИЛ — 2017"

**Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 3 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.**

Шу билан биргаликда, "Асака" банк миллий валютада 30 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади.
Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.
Мурожаат учун телефонлар:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.



| Филиаллар | Код | Телефонлар | Филиаллар | Код | Телефонлар |
|---|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 | Наманган вилоят филиали | 369 | 227-15-68 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 | Навоий вилоят филиали | 436 | 770-21-29 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 | Зарафшон филиали | 436 | 572-40-14 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 | Бухоро вилоят филиали | 365 | 770-05-19 |
| Сирғали филиали | 371 | 257-44-10 | Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 | Самарқанд вилоят филиали | 366 | 233-65-47 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 223-60-74 | Афросиёб филиали | 366 | 221-71-76 |
| Асака филиали | 374 | 233-21-99 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-07-41 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-96-63 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 244-39-14 | Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-62-23 | Хоразм вилоят филиали | 362 | 228-14-81 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-19-80 | Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 542-61-01 | Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.

**Сизнинг омонатларингиз:**
- *солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!*
- *маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!*
- *эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!*
- *миқдори чекланмаган!*

"Асака" банк — сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.





Реклама ўрнида

NBU

# БАНКЛАР
## иқтисодий таянчимиз

**ЮРТИМИЗДА тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш йўлидаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишнинг амалий чораларини жорий қилишга қаратилган Президентимизнинг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони тадбиркорларимизнинг шижоатини янада ошириб, уларнинг самарали меҳнат қилишларига имконият яратмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳам шу сингари аҳамиятли меъёрий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш мақсадида бир неча тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Шак-шубҳасиз, банк томонидан ушбу Фармонда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши кичик бизнеснинг тезкор ривожланиши, хусусий тадбиркорлик фаолиятининг муваффақиятли ташкил қилиниши ва юритилиши учун янада қулай шароитлар яратади. Натижада сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш кенгайтирилмоқда, уларнинг экспорти мунтазам равишда ортиб бормоқда, мамлакатимиз дўконлари пештахталаридаги маҳаллий ишлаб чиқарилган товарлар импорт товарларининг ўрнини дадиллик билан босмоқда.

2016 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига Ўзмиллийбанк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга берилган кредитлар ҳажми 2,1 триллион сўмдан ортди. Шундан, тадбиркор аёлларимизга ажратилган кредитлар ҳажми 331,4 миллиард сўмни ташкил этди. Ажратилган кредитлар ҳисобига 9 минг 500 дан зиёд иш ўринлари ташкил этилишига замин яратилди.

Шунингдек, банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида сут, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотларини қайта ишловчи замонавий мини-технологияларни харид қилиш, асаларичилик, балиқчилик, парандачилик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, шу жумладан, туризмни ривожлантириш, шахсий томорқа ва деҳқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун, деҳқон ва фермер хўжаликларига, тадбиркор аёлларга, оилавий тадбиркорларга ҳамда коллеж битирувчиларига ва бошқа йўналишлар бўйича лойиҳаларни молиялаштириб келмоқда. Қуйида Ўзмиллийбанк томонидан саноат соҳасида кредит маблағлари орқали қўллаб-қувватлаб келинаётган корхоналар фаолияти билан танишамиз.

— Корхонамиз иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ, — дейди "BAHROM TRADE GROUP" корхона раҳбари Зиёвуддин Мамаджанов. — Шунга қарамай, технологик каштачилик асосида тайёрланаётган матоларимиз юртдошларимизга манзур бўлмоқда. Сир эмас, бугунги соғлом рақобат муҳити тадбиркордан доимий изланишни талаб этади. Шу боис харидорлар истагидан келиб чиқиб иш юритиш, янгиликка интилиш зарур. Муваффақиятларимизнинг асосий омили бу банк хизматидан унумли фойдаланганимиз, десак, хато қилмаган бўламиз. Зеро, керакли янги ускуналарни сотиб олиш мақсадида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Тошкент вилоят бўлимига кредит сўраб мурожаат қилдик. Ушбу молия муассасаси мутахассислари мурожаатимизни қисқа муддатда кўриб чиқиб, корхонамизга 585 650 АҚШ доллари миқдорида кредит ажратди. Ушбу маблағ эвазига хориждан энг сўнгги русумдаги технологик ускуналар сотиб олдик. Бу эса сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш гарови бўлмоқда. Корхонамизнинг келгусидаги режалари ҳам катта. Хусусан, жорий йил охирига қадар ярим тайёр мато маҳсулотларини экспортга чиқариш ва шу орқали янги иш ўринларини 300 тага етказиш, унинг 30 фоизга яқинини касб-ҳунар коллежи битирувчилари ҳисобидан тўлдириш эзгу мақсадларимиздан биридир. Ҳозирда корхонамизда 50 нафар ишчи-ходим фойдали меҳнат билан банд, шулардан 18 нафарини коллеж битирувчиси ташкил этади.

— Бугунги кунда юртимизда тадбиркорлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилгани, ишбилармонларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани бизни ҳам бизнесга қўл уришга ундади. Яратилган қулай молиявий шароит, бизни полипропилен қоп маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришимизга сабаб бўлди. Корхонамизнинг асосий фаолияти — мижозларни юқори сифатли, фойдаланишда осон бўлган, қулай нархлардаги қоплар билан таъминлаш бўлганлиги сабабли, 2015 йилда мамлакатимизда янги турдаги полипропилен қоп маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш мақсадида, Ўзмиллийбанк Тошкент вилоят бўлимига кредит сўраб мурожаат қилдик. Мурожаатимиз тез орада ижобий ҳал қилиниб, корхонамизга 6 йил муддатга Хитой Тараққиёт банки кредит линияси ҳисобидан 2,76 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди. Ушбу ажратилган маблағ ёрдамида қоп ишлаб чиқариш технологиялари бўйича ҳар жиҳатдан дунё миқёсида энг юқори ўринда турувчи, Австриянинг Starlinger (Старлингер) компаниясининг AD*Star (Ад*Стар) туркумидаги қоплар ишлаб чиқарувчи энг сўнгги технологик ускуналарни харид қилдик.

Ҳозирда корхонамизда 20 киши иш билан таъминланган бўлиб, яна 10 нафар коллеж битирувчиси учун қўшимча иш ўрни ташкил этишни режалаштирмоқдамиз.

Саноат соҳасидан ташқари, Миллий банк доимий равишда оилавий тадбиркорлик, шахсий ва ёрдамчи хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи ишбилармонларни ҳам керакли маблағлар билан таъминлаб келмоқда. Улар орасида коллеж битирувчиларига ажратилаётган кредитлар муҳим аҳамиятга эга. Сабаби, ажратилаётган ушбу имтиёзли кредитлар ёшларга ўз тадбиркорлик фаолиятларини бошлашлари, бошланғич капитални шакллантиришлари ва ўз фаолиятини кенгайтиришида катта имкониятлар яратиб, уларнинг нафақат ўзини, балки ўз тенгдошларини ҳам иш билан таъминлашларига хизмат қилмоқда.

Кредит турлари орасида оммабоплиги билан фарқланувчи микрокредитлар ишлаб чиқариш, қурилиш, қишлоқ хўжалиги соҳалари ривожига йўналтирилиб, улар бандлик муаммосининг олдини олувчи вазифаси билан ажралиб туради. Миллий банкнинг жорий йил 1 ноябрь ҳолатига ажратган микрокредитлари туфайли 3 600 дан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди.

Юқорида келтирилган рақамлару мисолларда ифода этилганидек, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва унинг қатор бўлим, филиалларида бугунги кун талаблари даражасида фаолият олиб борилмоқда. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари доимий равишда қўллаб-қувватланаяпти. Ажратилган маблағлар эвазига тадбиркорларимиз томонидан ташкил этилаётган иш ўринлари халқимиз турмуш тарзининг янада яхшиланишига, меҳнат фаолиятининг ривожланишига молиявий кўмак бермоқда. Бу эса банк ва мижоз ўртасидаги ўзаро ишонч ва мақсадлар муштараклигини ифодалайди.

**Миллий банк матбуот хизмати**

Хизматлар лицензияланган.

Газетанинг навбатдаги сони 2017 йил 10 январда чоп этилади.


ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Жўраев Нодир Савриддинович
Усманов Анвар Акрамович
Очилов Алижон Мухлисович
Мамадалиев Зайниддин Очилович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Навбатчи Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер Жамшид ҒОФУРОВ

Нашр индекси: 137
"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Тиражи — 18189.
Буюртма S-7825.
Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 19:00
Ушбу сонда ЎзА суратларидан фойдаланилди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100192, Тошкент ш.
Буюк Ипак йўли кўчаси-1.
Тел: 268-26-61,
Факс: 268-19-51
Обуна бўлими: 268-19-97

Баҳоси келишилган нархда
1 2 3 4 5